



ПРЕЗИДЕНТ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ХИТОЙ” ОАВ АНЖУМАНИГА ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ

KAZINFORM. Пойтахтдаги Президент марказида “Марказий Осиё – Хитой” ҳамкорлик ва тараққиёт ва “Ипак йўли” III халқаро алоқалар анжуманлари ўтди.

Тадбир Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг табрик сўзи билан очилди. Табрик мактубини Президент ёрдамчиси Арман Қириқбаев ўқиб эшиттирди.

“Сизларни Хитой Халқ Республикаси Раиси жаноб Си Цзиньпиннинг Қозоғистонга таширифи ва “Марказий Осиё – Хитой” иккинчи саммити муносабати билан ўтказилган анжуманларнинг бошланиши билан табриклайман! Бундай тадбирлар Қозоғистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасида гуманитар мулоқотни йўлга қўйиш ҳамда маданий интеграцияни кучайтиришга хизмат қилади. Тотувлик, дўстлик, ҳар томонлама стратегик шериклик тамойилларига асосланган Қозоғистон – Хитой муносабатлари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Бу йил “Қозоғистонда Хитой сайёҳлиги йили” деб эълон қилинди. Шу муносабат билан ўзаро ҳамжиҳатлик ва интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган кенг қўламли лойиҳалар ташкил этилмоқда. Ўйлайманки, бугунги учрашувда мамлакатларимиз оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқаларни янада яхшилаш имконини берувчи муҳим таклифлар, чуқур мулоҳазалар билдирилади. Барчангизга сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тилайман! Ишларингиз муваффақиятли бўлсин!” дейиладди Президент табригида.



ЮРТБОШИ СУДЬЯ ВА СУД ХОДИМЛАРИНИ ТАБРИКЛАДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти судьялар ва суд идоралари ходимларини касб байрами – Судьялар ва суд ходимлари кунини муносабати билан самимий табриклади.

– Ҳурматли судьялар ва суд тизими ходимлари! Жорий йил мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий ва ҳуқуқий воқелиklar билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу йил мамлакат эгаменлиги, инсонлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи бўлмиш Қозоғистон Конституцияси қабул қилинганига 30 йил тўлди. Асосий Қонунимиз мустақиллик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда, – деди Давлат раҳбари.

Президент ўз нутқида қонун устуворлигини таъминлашда мустақил ва кучли суд тизимининг ўрни беқиёс эканлигини алоҳида таъкидлади.

– Мамлакатимизда “Қонун ва интизом” тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлаш ва жамиятда адолат муҳитини таъминлаш учун суд тизимида босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда.

Стратегик аҳамиятга эга ушбу соҳани такомиллаштириш йўлида изчил ишлар олиб борилмоқда. Суд жараёнларини шаффоф ва самарали ташкил этиш, бошқарув тизимини замон талаблари асосида мақбуллаштириш, рақамли технологияларни жорий этиш борасида чоратадбирлар қўрилмоқда. Бу орқали фуқароларнинг адолатли судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш мақсад қилинган, – дея қайд этди Президент.

Маълум қилинишча, жорий йил 1 июлдан жиноят, фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича учта мустақил кассация суди фаолият бошлайди. Бу қадам фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасида суд тизимининг меъёрий тартиблари салоҳиятини кучайтиради.

Давлат раҳбари, шунингдек, судьяларнинг юксак касбий малакаси, мустақил фикр ва ҳалолликка содиқ қолиши суд тизимида бўлган ишончининг асосий омилларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

– Сизнинг масъулиятли вазибаларингиз чуқур ҳуқуқий билим, фидойилик ва аввало қонун устуворлигига садоқатни талаб этади, сазй-ҳаракатларингиз “Адолатли Қозоғистон”ни барпо этишга хизмат қилади. Барчангизга соғлиқ-саломатлик, фаровонлик ва муваффақият тилайман, — деди Президент ўз табригида.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

МАТБУОТ СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИ МУКОФОТЛАНДИ



Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев миллий журналистика ривожига салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ фуқароларни давлат мукофотлари билан тақдирлади.

Давлат раҳбарининг фармонида мувофиқ, ОАВ соҳасида қуйидаги мукофотлар топширилди: Қозоғистон Республикаси Президентининг ОАВ соҳасидаги мукофотлари:

Батирхан Талғат Садикули – «Егемен Қазақстан» газетаси бош муҳаррири ўринбосари; Қириқбаев Талғат Ешенули

– «АЙҚЫН-ЛИТЕР» МЧБ директори;

Магер Юлия Дмитриевна – «Казахстанская правда» газетаси бўлим муҳаррири;

Тўқтамурад Армангул – «Qazaqstan» телеканали муҳаррири.

Қозоғистон Республикаси Президентининг ОАВ соҳасидаги грантлари:

Бекқалиева Зарина Ўмиргалиқизи – «Kokshe» телеканали муҳаррири;

Қурмет-Раҳимова Кунса – «Jibek Joly / Silk Way» телеканали муҳбири;

Тленшиев Абай Сейфуллаули – «Abay Live» YouTube канали муаллифи ва бошловчиси;

Шашкина Алина Александровна – «Tengrinews.kz» сайти муҳбири.

Тантанали тадбир иштирокчиларини касб байрами – Оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини билан табриклар экан, Пре-

зидент Қасим-Жўмарт Тўқаев журналистика жамият ва давлат ўртасидаги мустаҳкам кўприк эканлигини таъкидлади. Давлат раҳбари миллий журналистиканинг янгиликка интилиши, ижодкорлик ва тинчликпарварлик фикрлари билан ажралиб турадиган олижаноб анъаналарини алоҳида эътироф этди. Президент журналистика соҳасининг фидокор ва эл-юртга хизмат қилиб келаётган устозларига миннатдорчилик билдирди.

Akorda.kz.

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁ: ГАР ОҒОҲСАН СЕН – ШОҲСАН СЕН!

АХБОРОТ – КУЧ, ХАВФ ВА ИМКОНИЯТ

Бугун ахборот нафақат стратегик захира, балки ҳал қилувчи восита ва энг муҳими, у дунёни бошқарувчи асосий кучга айланмоқда. Шарқ тафаккуридаги “Куч – адолатда”, Ғарбнинг “Билим – бу куч” деган тамойиллари дунёвийлашган замоннинг бир нуқтасида кесишиб, “Куч – ахборотда” деган умумий бир қонуниятни шакллантирди. «Гар оғоҳсан сен – шоҳсан сен», деган Шарқ нақли бир вақтлар ахборотга эга бўлган, ахборотга таъсир қилиш имконини топган ҳаммадан қудратлидир, деган маънони англатарди. Зеро, бугун инсон онгини бошқариш, миллат ва халқларни йўналтириш, жамиятга зарур кайфият

ва фикр шакллантиришда энг самарали восита сифатида ахборот ва алоқа технологиялари кенг қўлланилмоқда.

Айниқса, дунёвий ахборот оқимлари ҳудудий чегаралар ва сиёсий тўсиқларни парчалаб ташлаётган бугунги даврда давлат ва миллат манфаатлари кўп жиҳатдан айнан ахборот хавфсизлиги билан бевосита боғлиқ бўлиб қолди. Шу боис, ахборот маконида таъсир кўрсатиш ва уни ҳимоя қилиш масаласи ҳар бир давлат учун устувор йўналишга айланмоқда.

Бугунги кунда курашнинг асосий майдони замин ёки бойлик эмас, балки инсон онгини шакллантириш, уни бошқаришга

қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, ахборот маконини ҳимоя қилиш, ахборот хуружлари ва таҳдидларга қарши тура олиш бугун ҳар қандай мамлакат учун стратегик аҳамият касб этмоқда.

Энг муҳими, ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизлигининг ажралмас қисми сифатида қаралиши зарур. Чунки жамият барқарорлиги ва давлат суверенитети, аввало, ахборот майдонидаги мувозанат ва ҳимоя билан таъминланади.

Бугунги шиддатли дунёвийлашув шароитида эса ахборот – энг муҳим захира, алоқа – энг муҳим восита, ахборот етказиб бериш тезлиги эса тараққиёт ва

тамаддун тақдирини белгилаб берадиган асосий мезонга айланди.

Дарҳақиқат, XXI аср – бу ахборот асри. Давлатлар, қитъалар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий тўсиқлар ахборот технологиялари ёрдамида бартараф этилмоқда. Минтақавий ва сиёсий чегараларни билмайдиган ягона дунёвий ахборот макони шаклланиб бормоқда. Шу боис, бу соҳада мустаҳкам миллий нуқтаи назар ва самарали ҳимоя тизимини яратиш ҳар қандай давлатнинг миллий манфаати ва стратегик мақсади сифатида қаралиши лозим.

(Давоми 2-бетда.) ➔

Маънавиятнинг муаззам майдони



Мамлакатимиздаги барча матбуот нашрлари сингари “Жанубий Қозоғистон” газетасига ҳам 2025 йилнинг иккинчи ярми учун обуна поёнига ётмоқда.

Обуна ишларининг уюшқоқли ташкил этилиши газетанинг келгусида тўлақонли фаолият юртишига имкон беради. Демак, ҳар бир газетхон суюкли нашрига обуна бўлиш баробарида уни қўллаб-қувватлаган, эртанги кунига мустаҳкам пойдевор яратган, давлат миқёсида амалга оши-

рилаётган ислохотлар ва уларнинг жойлардаги ижроси мазмун-моҳиятдан тўларақ хабардор ҳамда муҳим воқеаларга хайрихоҳ эканлигини амалда намойиш этган бўлади.

Шунга эришиш керакки, газетамиз вилоятдаги ҳар бир меҳнат жамоаси, таълим ва ҳунар маскани, нашр шинавандалари хонадонларига етиб борсин.

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетамизга қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

2025 йилнинг иккинчи ярми учун “Жанубий Қозоғистон” газетасининг обуна баҳоси ўзгармади: 6 ойга обуна баҳоси: «Қазпошта» ХЖ орқали – 3415,50 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ ВА “CHINA RAILWAY”:


ОСИЁ – ЕВРОПА ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ ОЧИЛМОҚДА

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров Хитойнинг йирик компанияси – «China Railway Asia-Europe Construction Investment Co., Ltd» раҳбари Чжоу Хэйвэй билан расмий учрашув ўтказди. Мазкур компания муқаддам Астана шаҳридаги енгил темир йўл транспорти (LRT) лойиҳасида фаол иштирок этган ва эндиликда Туркистон вилоятида йирик сармоявий лойиҳаларини амалга ошириш ниятида.

Учрашув давомида томонлар минтақадаги инфратузилма йўналишларини ривожлантириш имкониятларини муҳокама қилдилар. Хусусан, Туркистон шаҳрининг шарқий айланма йўлини ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан чегарадош ҳудуддан бошланадиган “Шардара – Арис” йўлини қуриш юзасидан муносабатлар олиб борилди.

Таъкидланганидек, ушбу транспорт дахлизи халқаро транзит йўналишлари тармоғини кенгайтириш, минтақанинг логистик салоҳиятини ошириш ва қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

– Туркистон вилоятига хуш келибсиз! Бугун Қозоғистон ва Хитой ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама стратегик шериклик изчил



ривожланмоқда. Давлатлар раҳбарларининг амалий нуқтаи-назари ва узоқ муддатли ҳамкорлиги туфайли минтақавий интеграция учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Туркистон – тарихий Буюк Ипак йўлида жойлашган, транспорт ва логистика соҳасида улкан салоҳиятга эга стратегик ҳудуд ҳисобланади. Ўзбекистон билан чегарадан Шардара ва Арисгача бўлган йўл қурилиши халқаро транзит салоҳиятига янги суръат бағишлайди. Биз мазкур лойиҳани амалга

оширишда шароит яратишга ва ёрдам кўрсатишга тайёرمиз. Умид қиламизки, бу ҳамкорлик Қозоғистон ва Хитой ўртасидаги дўстлик ва ишончнинг ёрқин намунаси бўлади, – деди вилоят ҳокими.

Шунингдек, учрашувда Туркистон вилоятида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш заводини ташкил этиш лойиҳаси юзасидан амалий қадамлар муҳокама қилинди.

Маълумот ўрнида, «China Railway Asia-Europe Construction Investment Co.,

Ltd» компанияси 2015 йилда ташкил этилган бўлиб, Марказий Осиё ҳудудида сармоя ва қурилиш соҳаларида фаолият юритади. Транспорт, энергетика, кимё саноати ва инфратузилма йўналишларида йирик лойиҳаларни амалга ошириш – компания фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Компания Қозоғистонда қатор йирик лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁ: ГАР ОГОҲСАН СЕН – ШОҲСАН СЕН!



(Давоми. Боши 1-бетда).

МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ХИТОЙ: ОАВ ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Астанада “Хитой–Марказий Осиё” ахборот агентликлари анжумани ўтди. Тадбир Қозоғистон Республикаси Президенти телерадиомажмуаси шафелигида “Синьхуа” ахборот агентлиги томонидан ташкил этилди.

Халқаро тадбир арафасида Қозоғистон Республикаси Президенти ТРМ директори Раушан Қажимаева ва “Синьхуа” ахборот агентлиги бош директори Фу Хуа ўртасида икки томонлама учрашув ўтди.

Томонлар ҳар томонлама стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, халқаро ахборот майдонида Марказий Осиё ва Хитой оммавий ахборот воситаларининг таъсирини кучайтириш, инсониятнинг умумий келажаги ҳамжамиятини яратиш жараёнида ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

Анжуманнинг очилиш марсосимида ҚР Президенти ТРМ директори Раушан Қажимаева кун тартибидagi масалаларнинг долзарблиги ва аҳамиятини таъкидлади.

Медиахолдинг раҳбарининг сўзларига кўра, Марказий Осиё ва Хитойни нафақат география ва иқтисодиёт, балки кўп асрлик маданий алоқалар, муштарак анъаналар, тинчликка интилиш ҳам бирлаштириб туради. Буюк Ипак йўли юзлаб йиллар мобайнида Евроосиё маконидаги улкан ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган. Бугунги кунда бу вазифани “Бир белбоғ – бир йўл” лойиҳаси бажармоқда. Бу ҳақда илк бор 2013 йилда Астана шаҳрида Хитой Халқ Республикаси раиси жаноб Си Цзиньпин фикр билдирган эди.

– Мамлакатларимиз савдо-иқтисодий, транспорт-логистика соҳаларида йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда. Шу билан бирга, бир-биримизни яқинроқ билиш имконини берувчи умумий ахборот-маданий макон яратиш ҳам бирдек муҳим, – деди Раушан Қажимаева, жамоатчилик фикрини шакллантириш, янги гоялар ва қадриятлар алмашишда ОАВнинг муҳим ролига эътибор қаратар экан.

Шу муносабат билан Қозоғистон ахборот агентликлари, шу жумладан, Kazinform ҳам Хитой ижтимоий тармоқларида фаолигини оширмоқда. Агентликнинг Weibo ва WeChat платформаларидаги расмий аккаунтлари Қозоғистон янгиликларини тез ва самарали тарқатиш имконини беради.

– Яқинда Астана шаҳрида ўтган “Марказий Осиё – Хитой” иккинчи саммити минтақамиз мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг стратегик йўналишини белгилаб берди. Оммавий ахборот воситаларининг вазифаси ахборот майдонида ушбу ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилишдан иборат. Бу, ўз навбатида, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, – деди Раушан Қажимаева.

“Синьхуа” ахборот агентлиги бош директори Фу Хуа Хитой ва Марказий Осиёнинг бешта давлати оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик натижаларини юксак баҳолаб, бу халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстликни чуқурлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

– Биз ушбу анжумандаги имкониятдан ҳамкорликни муҳокама қилиш, тараққиёт йўналишларини биргаликда режалаштириш ва Хитой ҳамда Марказий Осиё ахборот агентликларининг овозини бутун дунёга тарқатиш мақсадида кучларни бирлаштириш учун фойдаланишимиз мумкин. Бу эса, ахборот агентликларининг умумий келажакка эга ҳамжамият қуришга қўшадиган ҳиссасини оширади, – деди Фу Хуа.

Унинг сўзларига кўра, ўзаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида “Синьхуа” агентлиги дунё бўйлаб ОАВ ва таҳлил марказлари ўртасида ҳамкорлик дастурини ишлаб чиққан.

Шу билан бирга, мулоқот майдонида Қирғизистоннинг “Кабар”, Тожикистоннинг “Ховар”, Туркменистоннинг “Медиа-Туркман” ва Ўзбекистон давлат ахборот агентликлари раҳбарлари сўзга чиқди.

Томонлар кўп томонлама гуманитар алоқаларни ривожлантириш, қўшма лойиҳаларни илгари суриш, контент алмашинуви, кадрлар тайёрлаш, оммавий ахборот воситалари салоҳиятини кучайтириш, “Бир белбоғ – бир йўл” ташаббуси доирасида захиралардан биргаликда фойдаланиш масалаларини муҳокама қилди.

Тадбир иштирокчилари сунъий идрок технологияларининг жадал тараққиёти шароитида касбий фаолиятга янгича ёндашувларни таъкидлаб, ахлоқий меъёрлар ва юқори касбий андозаларга риоя қилиш зарурлигини қайд этдилар.

Учрашув яқунлари бўйича Қозоғистон Республикаси Президенти ТРМ ва “Синьхуа” ахборот агентлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Ҳужжатда янгиликлар мазмуни алмашинуви, қўшма тренинглар ва семинарлар ўтказиш, мультимедиа ўзаро ҳамкорлиқнинг янги шакллари ривожлантириш, шунингдек, ахборотни миллий ва халқаро миқёсда оммалаштириш кўзда тутилган.

15 ноябрь 2022 йил ҳолатига кўра, Ер аҳолиси 8 миллиарддан ошган. Уларга етказилаётган ахборот ундан-да кўп. Булардан қай бири ҳолис, қайсиниси кимнинг манфаатлари учун хизмат қилади? Ушбу саволларга ҳар бир фуқаро учун ҳар бир ахборот юзасидан жавоб қайтариш имкони йўқ.

Масаланинг яна бир томони шундаки, жамиятда кўпчиликнинг манфаатларини кенг миқёсда ҳимоя қилиш мумкин эмас. Боиси, ҳар бир доира, ҳар бир ижтимоий гуруҳ, ҳар бир шахснинг манфаатлари турлича бўлади ва бу ранг-барангликда маълум манфаатлар тўқнашуви табиий. Хулоса қилганда, Ҳазрат Навоий айтганидек “Гар огоҳсан сен – шоҳсан сен”.

А. АБДУФАТТОҲ.

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ...

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ АБАЙ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИДА ЗАМОНАВИЙ КЎРГАЗМА МАРКАЗИНИ ҚУРИБ БЕРАДИ

Семей шаҳрида “Туғилган юртингга байрогингни ўрнат!” шиори остида сармоявий анжуман ўтди. Тадбирда Қозоғистон Республикаси Парламенти ва Сенати депутатлари, маҳаллий ва хорижий сармоядорлар, Абай вилоятининг йирик тадбиркорлари, жамоат арбоблари ҳамда вилоят ҳокимликлари вакиллари иштирок этди. Тадбир иштирокчилари мамлакат бўйлаб амалга оширилаётган “Абайга эҳтиром” умуммиллий тадбирида фаол иштирок этишларини маълум қилдилар.

Анжуманда Туркистон вилояти ҳокими девони раҳбари Еркебулан Даулбаев иштирок этиб, абайликларга туркистонликларнинг самимий саломи ва эзгу тилақларини етказди.

– Давлатимиз раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг фар-

монига мувофиқ Абай вилояти ташкил этилди ва Семей шаҳри учун янги тарих бошланди. Бу янгилик Туркистон вилояти аҳли томонидан ҳам улкан мамнуният билан қарши олинди. Буюк мутафаккир Абай Қунанбаевнинг 180 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда “Абайга эҳтиром” тадбири бошлангани барчамиз учун фахрли воқелиқдир. Барча вилоятлар каби Туркистон вилояти ҳам бу лойиҳада фаол иштирок этмоқда. Хусусан, биз Абай вилоятида замонавий кўргазма маркази қуриш ташаббусини илгари сурдик. Бу марказ муҳим тадбирлар ва йирик лойиҳаларни юксак даражада ўтказиш учун барча шароитларга эга бўлади, — деди Еркебулан Даулбаев.

Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Кўшеровнинг сўз-



ларига кўра, мазкур лойиҳа Туркистон ва Абай вилоятлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик рамзи ҳисобланади. Шунингдек, кўргазма марказининг қурилиши Абай вилоя-

тининг маданий ва иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, миллий ва халқаро даражадаги муҳим тадбирларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиши кутилмоқда.

БУЮК ДАШТ ГУЛШАНИДА САДОЛАНДИ ТАРОНАЛАР...



Туркистон шаҳрида халқаро даражадаги «Voice of Turan – 2025» Қозоқ кўшиқлари фестивали ўтди. Икки кун давом этган мусиқа байрамида дунёнинг 17 давлатидан ташриф буюрган иқтидорли хонандалар иштирок этиб, Қозоғистоннинг бой мусиқий меросини намойён этдилар.

Фестивалда Қирғизистон, Ўзбекистон, Озарбайжон, Татаристон, Бошқирдистон, Тур-

кия, Тува, Тунис, Португалия, Руминия, Куба, Италия, Жанубий Африка, Сан-Марино, Эквадор, Индонезия ва Болгария каби мамлакатлардан келган санъаткорлар қозоқ мусиқасининг ёрқин намуналарини ижро этдилар. Улар Ақан сери, Шамши Қалдаяқов, Кенес Дуйсекеев ва Нурғиса Тлендиев каби таниқли бастакорларнинг асарларини тингловчиларга жонли равишда етказдилар.

Тадбирни баҳолаш жараё-



ди. Мусиқий санъат, маданият ва маънавият байрами сифатида у миллий ва халқаро майдонда юксак ижобий таассурот қолдирди.

Ушбу муҳим маданий лойиҳа Туркистон шаҳрига вилоят маркази мақоми берилганига 7 йил тўлиши муносабати билан Туркистон вилояти ҳокимлиги шафелигида, «Халқ ижоди ва маданият маркази» ташаббуси билан ташкил этилди.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ



Туркистон шаҳрида Давлат хизматчилари кунига бағишланган тантанали тадбир ўтди.
Унда вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров иштирок этиб, давлат хизматчиларини касб байрами билан табриклади.

– Халққа хизмат қилиш – энг шарафли ва масъулиятли бурч. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Кемелули Тўқаев таъкидлаганидек: «Давлат хизматчисининг салоҳияти – мамлакатнинг салоҳияти, демакдир. Давлат хизматчиси бўлиш – ватанга садоқат ва бурчига содиқлик, демакдир». Ҳар биримиз бу талабга муносиб бўлишимиз шарт. Асосий вазифамиз – юрт ва халқ манфаатларини адолатпарварлик билан ҳимоя қилишдан иборат, – деди Нуралхан Кўшеров.

Айни пайтда вилоятдаги 501та давлат ташкилотида 6331 нафар давлат хизматчиси фаолият олиб бормоқда. Ўтган йили 231 нафар давлат хизматчиси лавозими оширилган. Бу эса мамлакатда жорий этилган меритократия – билим ва қобилият асосида хизмат пиллапояларидан кўтарилиш тизимининг самараси эканлигини намойён этди.

Сиёсий ислохотлар натижасида давлат бошқарувида янги етакчилар пайдо бўлмоқда. 2021 йилдан буён вилоятда 210та қишлоқ аҳолиси ҳокимлари сайлов йўли билан сайланди. Улар орасида турли соҳалар вакиллари

ҳам бор. Бу фуқаролар учун давлат хизмати соҳасида кенг имкониятлар очаётганидан далолат беради.

Минтақавий кадрлар захирасидан 32 нафар номзод танлаб олинган бўлиб, улардан 13 нафари ишга жойлаштирилган. Бу ҳолат давлат хизмати соҳасидаги ислохотлар тизимли ва сифатли амалга оширилаётганини намойён этади.

– Давлат хизмати – жамиятнинг инъикосидир. Халқнинг давлат ҳокимиятига ишончи айнан шу соҳа вакилларининг билим ва масъулият даражасига боғлиқ. Шу боис, сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз вилоятнинг изчил тараққиётига бевосита таъсир кўрсатади. Барчангизга хизматда ва шахсий ҳаётда муваффақиятлар тилайман, – деди ҳоким.

Тантанали йиғилиш давомида давлат хизматига катта ҳисса қўшган фидойилар «Давлат хизмати фахрийси» ва «Энг яхши давлат хизматчиси» кўкрак нишони, вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари ва ташаккурномалари билан тақдирландилар.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

ЭНГ ГУЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМДА...

ИҚТИДОРЛИЛАР БЕЛЛАШУВИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

Сўзоқ туманидаги «Жумбақтау» этно-лагерида «Ёшлар имконият маркази» ташаббуси билан республика миқёсидаги «JasSAQ» телевизион этно-реалити лойиҳаси юксак савияда ташкил этилди.

Бундай янги шаклдаги этно-реалити лойиҳада мамлакатимизнинг барча минтақаларидан келган 100 нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди.

Тадбирнинг ёпилиш маросимида вилоят «Ёшлар имконият маркази» раҳбари Ернар Бектаев лойиҳа иштирокчиларига миннатдорчилик билдирди ва мазкур лойиҳанинг ёшлар учун аҳамияти ҳақида фикр билдирди.

Унинг таъкидлашича, мазкур этно-реалити лойиҳа орқали ёшлар нафақат миллий спорт ва турмуш анъаналари билан яқин-

шиддатли ва мураккаб бир даврда яшамоқдамиз. Жамиятшунос олимлар ва маърифатли кишилар ушбу даврни ҳар хил номлар билан атамоқда. Кимдир технологиялар замони деса, кимдир фикр-тафаккур асри, яна кимдир ахборотлашув даври деб таъриф қиладилар. Ваҳоланки, ҳозирги давр – ёшлар давридир. Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда қайси соҳага қўл урмасин, қайси



Лойиҳа доирасида ёшлар миллий спорт ва маиший йўналишдаги етти та турли беллашувда иштирок этиб, ўзларининг мерганлик, куч, эпчиллик ва маҳорат каби фазилатларини синаб кўрдилар.

Тадбирнинг тантанали ёпилиш маросимида барча қатнашчилар диплом, медаль ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Беллашув натижаларига кўра, 1-уринни «Қиронлар», 2-уринни «Кўк бўри», 3-уринни «Noma» жамоалари эгаллади.

Шу билан бирга, «Яссавий», «Олмос қилич» ва «Алаш авлодлари» жамоалари рағбатлантирувчи совғаларга сазовор бўлдилар.



дан танишдилар, балки миллий қадриятлар ва анъаналар асосида маънавий тарбия олдилар, янги дўстлар орттириб, жамоада бирлик ва миллий руҳни ҳис этдилар.

– Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ўта

жабҳада ўзини синамасин, кенг имкониятлар ва имтиёзлар эшиги ёшлар учун очик. Ёшлар сиёсати соҳасида олиб борилаётган ислохотлар том маънода ёшларнинг орзу истакларини амалга оширишга хизмат қилмоқда, – деди у.

Тадбир якунида «Жайдарман» қувноқлар ва зукколар ўйинининг ғолиби – «Ақбулақ» жамоаси томонидан қизиқарли ўйинлар ва ҳазиллар тақдим этилди. Шунингдек, тадбирда санъаткорлар жамоаси ўз маҳоратларини намойён этдилар.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

» Тўй-тантаналаримиз муҳокамаси:
ёки кенгашганга кенг дунё

ҚАЙТАРИЛМАС УМР УВОЛ БЎЛМАСИН



Ҳамза номли мактаб мажлислар залида Райимжон Қўчқоров раҳбарлик қилаётган Туркистон шаҳар УЭМБ фаоллари долзарб масала – тўй-тантаналарини тартибга келтириш хусусида ўз мулоҳаза ва тажрибаларини баён этишди. Хусусан, вилоят ва шаҳар УЭМБ қошидаги хотин-қизлар кенгашлари раислари Муҳаббат Ибрагимова, Нодира Юсупова, меҳнат фахрийси Тўтихон Зайнишевлар амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот беришди.

Тадбиркор аёл – Гўзал Саттор қизи ўз нутқида ҳамюрт аёллар бешик, суннат ҳамда никоҳ тўйларига кўп меҳмон келиши учун ўзи ҳам шунча тўйга қатнашиб, тўёна беришга астойдил интилиши сабаб оиласида фарзандлар тарбияси оқсаб қолаётганлигини, бу эса фожеа билан барабарлигини афсус билан тилга олиб, тажрибасини баён этди.

– Неварамни жарроҳи ши-фокор қақириб, суннат қилдирдик. Кечкурун куда томондан икки киши келиб, муборакбод этишди. Дастурхонга тортилган таомни биргаликда

тановул этиб, ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилдик. Мен неварам учун дабдаба, такаббурлик билан суннат тўй қилмайман. Аксинча, уларга таълим-тарбия бериб, намоз ўқишни, илм-ҳунар эгаллашни, ҳаётда турли қийинчиликларни қандай енгиласан ўргатаман. Ҳажга, умра сафарига бораётганлар беҳисоб. Яхши, қабул бўлсин. Лекин, ҳаж – муслмончиликнинг бешинчи, сўнгги фарзи. Афсуски, ҳамюртларимиз биринчи тўрт фарзини чеккага суриб қўйиб, бешинчисини адо этаётганлиги тушунарсиз ҳол. Кўпчилигининг қариндош-уруғ, ака-укалари орасида ёрдамга муҳтожлари сероб. Шу жиҳатларга эътибор қаратилса дейман, – деди у.

Дарҳақиқат, жамоат ташкилотларининг кўп йиллик саъй-ҳаракатлари билан аксарият тўйларимиз ичкиликсиз, ихчам ва бир кунда ўтмоқда. Лекин, нур бор жойда кўланка бор. Тўқлиққа шўхлик, манманлик, мақтанчоқлик иллатлари ҳали тўлиқ бартараф этилгани йўқ. Статистика маълумотларига кўра, янгидан бунёд этилган

оилаларнинг 30 фоиздан зиёди кўп ўтмай ажралишмоқда. Қадрли муштарийларимизга яна бир қарра тўй ва таъзия маросимлари бугунги даврга мувофиқ ўтиши даркорлиги, қайтарилмас умр увол бўлмаслиги учун ақл, идрок ила кўҳна тарихимизга муносиб иш тутишимиз лозимлигини таъкидлаймиз.

Адиб Мухтар Аюзов ташаббуси билан очилган «Туркистон» шаҳар газетаси ўтган йили муштарийлари етишмаганлигиндан ёпилиб қолганлиги «Жанубий Қозоғистон» газетхонларининг доимо диққат марказида бўлиши даркор.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: ҳайъат аъзолари; тадбиркор Гўзал Саттор қизи.

Муаллиф тасвирлари.

“МАСАЛА АМАЛИЙ ЕЧИМИНИ ТОПСА”...



Қозоғистоннинг барча минтақалари орасида Туркистон вилояти қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва салоҳиятга эга. Сўнгги йилларда мазкур соҳани ривожлантириш юзасидан қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди. Бироқ уларнинг аксарияти хусусий сармоядорлар томонидан амалга оширилгани боис, баъзи лойиҳалар поёнига етказилмай қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири давлат идоралари ва мутасадди ташкилотлар томонидан етарли даражада қўллаб-қувватланмаяпти.

Жорий йилда ўтказилган Саммит якунлари эса давлатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига эътиборни кучайтириш учун муҳим қадам бўлди. Шу билан бирга ғаллакорлар, чорвадорлар ўз маҳсулотларини бозорга чиқариш ва сотиш масаласида қатор қийинчиликларга дуч келмоқда. Чорвачилик мутахассиси сифатида таъкидлаш жоизки, ушбу муаммолар чорвадор ва деҳқонларни ярим йўлда тўхтатиб қўймоқда. Бу айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш масаласида яққол кўзга ташланмоқда.

Экин экиш, маҳсулот етиштириш жараёни муваффақият-ли яқунлангач, уни сақлаш, қайта ишлаш ва бозорга чиқаришнинг аниқ ва самарали тизими йўқлиги, афсуски, деҳқон ва чорвадорларнинг кўплаб меҳнатини йўққа чиқармоқда.

Якуний ҳулоса сифатида таъкидлаш жоизки, агар Саммитда кўтарилган долзарб масалалар амалий ечимини топса, бу нафақат қишлоқ аҳли, балки умумий ҳисобда мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

**А. БЕКСАУТОВ,
Тўлебий тумани
“Қамбар ота” деҳқон
хўжалиги раиси,
чорвачилик
бўйича мутахассис.**

2022 жыл 12 қазан куні “Оңтүстік Қазақстан медицина академиясы” АҚ ректоры М. Рысбеков қолы және мөрімен Абдураимова Лола Махмуджоновнаға берілген №12-РБ “Біліктілікті арттыру туралы куәлік” жарамсыз деп танылсын.

Туркистон вилоят маслаҳати депутатлари ва вилоят маслаҳати девони, шунингдек, вилоят Жамоат кенгаши вилоят ҳокими ўринбосари Ертай Алтаевга қизи
Жанар ЕРТАЙ қизи-нинг бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қилади.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти Туркистон вилояти ҳокимининг муовини Ертай Алтаевга қизи

ЖАНАР-

нинг бевақт оламдан ўтганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади, ҳамдардлик билдиради.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

»» Дил изҳори

РАҲМАТ СИЗГА, ШИФОКОРЛАР!

Йил сайин иқлим ўзгариб, ёгингарчиликнинг камайиши, ҳароратнинг кўтарилиши каби табиат инжиқликлари туфайли турфа хасталиклар ёши улуг инсонларга салбий таъсир кўрсата бошлайди. Демак, экологик таҳдидларга жавобан ўзимизни эҳтиёт қилишимиз, руҳиятимизни чиниқтириб, тушкун кайфиятдан овлоқ бўлмоғимиз жоиз.



Ёшим 83да, йигирма йилдан зиёдроқ вақт бўлди, йил сайин бир неча бор асаб хасталикларидан даволаниб, саломатлигимни тиклайман.

Неврология бўлимида даволанаман. Биз каби ёши улуг беморларга ғамхўрлиги, эътибори учун «оқ либосли» халоскорларимга таъзим қиламан. Раҳмат айтаман!

Элсинур Шермамедов (тасвирда) Сайрам туман марказидаги «Оқсувкент» касалхонасининг асаб хасталиклари бўлимида фаолият юритаётган ёш бўлса ҳам иқтидорли мутахассис сифатида беморлар билан яхши муносабатда бўлиш баробарида самарали усуллардан фойдаланмоқда. Ёш шифокорнинг юксак билими ва муомала

маданияти беморларга ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Даволаниб чиққач, ўзимни жуда яхши ҳис этмоқдаман. Тетик ва бардамман, ҳаётга муносабатим тубдан ўзгарди.

Биз каби ёши улуг қарияларнинг умр ёши баракали бўлишига ҳисса қўшаётган ёш ва иқтидорли шифокор Элсинур Нурмамад ўғлига катта раҳмат!

Кўл-кўзи дард кўрмасин! Бундан-да юксак чўққиларни забт этиб, эл дуоси ила униб-ўсаверсин...

Озодбек РАҲМОНҚУЛОВ,
нафақадор.
Қорабулоқ қишлоғи.

»» Хотирабод

"Кема қолган" кўчқисини забт этдик



Мазкур тадбир "MIRAS"нинг тўнгич раиси Мархабат Байғутнинг 80 йиллигига бағишланди.

Мен уни мутафаккир дёрдим, у ҳақиқатан ҳам шундай инсон эди. "MIRAS"ни энди сен бошқар", дея, ишни менга топширган эди. Илк бор масъулиятни зиммамга олганимда, ростини айтсам, иккиландим. Аммо энди ана шу омонатни елкада кўтариб, сайёр йиғилишларни ўтказиб келмоқдамиз. У маънавияти юксак, одил инсон эди, ҳеч ким билан тортишмасди, бирор нарса маъқул бўлмаса, қўлини силтаб қўя қоларди. Майда гап-сўз, мунозарадан йироқлашарди. У қалами ўткир, эл учун айтадиган сўзи бисёр, гўзал хулқли инсон эди. Ҳа, ҳеч нарса абдий эмас.

80 йилликни нишонлаш учун Қа-

дас Қазигурт туманида юксак савияда ўтди. Кенгашдан кейин соат 16:30да Қазигурт тоғи томон йўл олдик. "Кун қайтганда чиқармиз" деганимизга қарамай, қуёш қаттиқ қизитиб турди. Ривоятларга кўра, инсониятни ҳалокатдан сақлаб қолган Нух пайғамбарнинг кемаси айнан Қазигуртга тўхтаган экан. Нух (а.с.) одамларни иймонга чақирган, лекин унинг қавми ишонмаган. Яратган уларга катта тўфон юборган ва фақатгина Нух (а.с.) ва унинг кемасидаги иймонли инсонлар ва ҳайвонларгина омон қолган. Бу инсон тарихидаги катта синов ва янги даврнинг ибтидоси бўлган.

Бу шунчаки афсона эмас, балки миллат хотирасига сингиб кетган умид ва омонат рамзидир. Минг йил ўтсанда, Қазигурт номи тилга олинганда инсониятнинг қайта теририлиши тўғрисидаги фикри келади. "MIRAS" кенгаши аъзолари билан афсоналарни эслаб, табиатдан завқ олиб, тоғ чўққисига чиққандик. Чўққига етган пайтимизда қуёш ботиб, шом тушган эди. Соат 20:30ни кўрсатарди. Қазигуртга борган одам – тарих билан тиллашиб, табиат билан уйғунлики ҳис қилади. Бу – қалбга хотиржамлик, руҳга куч бағишлайдиган, руҳни юксалтирадиган муқаддас макон. Тоғ этагидаги майин шабада, осмон билан тиллашган чўққилар, табиатнинг сирли куйи – буларнинг барчаси инсонни маънан тозалайди, руҳий мадад беради. Бу ердаги ҳар бир тош, ҳар бир йўл – минг йиллик сир-асрорларга гувоҳ. Бу тоғ – ўтмиш ва бугунни боғлаб турган маънавий кўприк.



зигуртдаги "Кема қолган" чўққисига чиқишни мақсад қилдик. Унинг руҳини шод қилиш ниятимиз эди... Авлодларга қолдирган қаламингиз – эзгулик мероси. "MIRAS"чилар сиздан миннатдор. Адиб қабрига ўрнатилган қабртош ярим очилган китоб шаклида ишланган экан. Сиз ҳақиқатан ҳам китобсиз, эл учун яратилган қимматли хазинасиз.

"AMANAT" партияси вилоят филиали ҳузуридаги "MIRAS" кенгашининг йиғилиши жорий йил 16 майда муқад-

Ҳозир ҳаммамиз янгиланиш, ислохотлар ҳақида кўп мулоҳаза юритамиз. Қазигурт – айнан шу гоёнинг илдиши. Денгиз сатҳидан 2300 метр баландликда жойлашган Қазигурт тоғининг "Кема қолган" чўққисига чиқиб, Қўрбон тиловат қилдик.

Қалийма ЖАНТҮРЕЕВА,
"AMANAT" партияси вилоят филиали ижроия котиби ўринбосари,
вилоят маслаҳати депутати.

»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

Ҳолдузларга нарвон қўйган юрт ўғли

Сайрам туманининг Қўлкент қишлоғида истиқомат қилувчи Эшимовлар оиласида 2003 йил 11 ноябрь куни туғилган фарзандга Рўзимурод деб исм қўйишди. У ёшлигидан ўткир зеҳни, мустақил фикрлай олиши ва ҳаётга жиддий муносабати билан ажралиб турар эди.

У тайёрлов гуруҳида бир кун ҳам ўқимай, беш ёшида 1-синфга борди. Унинг опаси Зарноза тайёрлов гуруҳини тамомлаб, 1-синфга ўтганда, Рўзимурод ҳам у билан бирга мактабга қадам қўйди. Болалигиданок устозини ўзи танлаган Рўзимурод дастурхон атрофида эшитган Мертўти опа ҳақидаги мақтовлар таъсирида, мактабга ёзишга келган муаллималарга: "Мен Мертўти опанинг синфида ўқийман", деб қатъий туриб олганди.

Рўзимурод қишлоқдаги 13-сонли Алишер Навоий номидаги мактабда 8-синфни аъло баҳолар билан тугатди. Шу йилларда пойтахтимизда "ЭКСПО-2017" кўргазмаси ўтди. Ушбу тадбирда иштирок этиш учун мактабдаги 1500 нафар ўқувчи орасидан танлаб олинган икки ўқувчининг бири айнан Рўзимурод бўлди.

У турли соҳалар – стол тенниси, рақсомлик, чет тиллари билан қизикди. Кўп вақт ўтмай, спорт ва

санъат соҳаларида бир қанча ютуқларга эришди. 9-синфни Қорабулоқ қишлоғидаги гимназия мактабида имтиёзли аттестат билан тамомлади. Шунингдек, у инглиз тилини чуқур ўрганиш мақсадида "NIK" ўқув марказига қатнади.

10- ва 11-синфларни эса Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги Ю. Сарёмий номидаги гимназия-мактабида ўқиб, 2019 йили уни имтиёзли битирди. Бу ерда ҳам у инглиз тилини янада мукаммаллаштириш мақсадида хусусий ўқув марказида таҳсил олди.

Ушбу меҳнатлар самарасида Рўзимурод "Назарбаев университети"га қабул қилинди. Бироқ у Туркияни танлаб, Сакария шаҳрида жойлашган "Сакария" университетида бир йил таҳсил олди. Шундан сўнг болалик орзусини рўёбга чиқариб, Америка Қўшма Штатларидаги университетга грант асосида қабул қилинди.



Дастлаб Нью-Йоркда бир ярим йил таҳсил олди, кейин эса ўз қизиқишлари ва ижодий имкониятларини ривожлантириш мақсадида Лос-Анжелес шаҳрига йўл олди. Ҳозирги вақтда у шу ерда таълим олиш баробарида, бир неча соҳаларда фаолият юритмоқда.

Яқинда уммон ортидан Эшимовлар оиласига яна бир хушхабар келди. У машҳур Голливудга актёрликка ишга қабулланди ва эндиликда санъаткор сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Эътиборга сазовор жиҳати – Рўзимурод 8 тилда эркин сўзлаша олади. Унинг камтарона ва фаол ҳаёт тарзи, доимий изланишга бўлган интилиши ёшларга намуна.

3. МҸМИНЖОНОВ.

»» Орамиздаги одамлар



Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳаси 2014 йилдан мегаполис тасарруфига кирган аҳоли манзилларидан бири. Бугунги кунда Сайрам даҳасининг бир қисми Қаратау тумани, яна бир қисми Енбекши тумани тасарруфида. Сайрам аҳолиси қадимий аъналарни сақлаб келмоқда. Масалан, илгари қишлоқда маҳалла кўмиталари ҳамжиҳатликда кўп масалаларни ҳал этганлар. Бу аъна бугунги кунда ҳам мавжуд.

Сайрамликлар Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Зиёмад Хусанов, Бўтабой Содиқов, эл равнақи йўлида самарали хизмат қилган меҳнат фахрийлари Жўра Йўлдошев, Жуман Аязбаев, Ниёзали Йўлдошев, тарихчи олим Мираҳмад Мирҳолдоров ва бошқа фидойи инсонларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга оладилар. Зеро, «Юрт равнақи – фидойилар ташаббусидан бошланади», дейди доно халқимиз. Бундай шахслар қаторига жамоат фаолларини, маданият соҳаси вакиллари ва санъаткорларини ҳам қўшиш ўринлидир.

Элнинг дарди ва ташвиши билан яшаётган жонкуярлардан бири Шухрат Ботирхонов (тасвирда) 2012-2023 йилларда Иброҳим ота маҳалла кўмитаси раиси сифатида 10 йилдан зиёд хизмат қилди. Ўша йилларда унинг бошчилигида маҳаллада залворли ишлар амалга оширилди. Қишлоқда сув қувурларини тортиш борасидаги ишлар бошланди. 2015 йили қурилиши бошланган 139-сонли мактаб учун ер участкасини ажратиш ҳам осон бўлмаган, турли таш-

килотларга мурожаат қилишга тўғри келганди. Шунингдек, Ш. Ботирхонов ташаббускорлиги ва маҳалладошлар ёрдамида "Иброҳим ота" қабристонини йўлига шағал тўшалган, электр қуввати ва сув қувури тортилиб, таҳоратхона қурилган.

Ҳозирги кунда Сайрам даҳасидаги кўча кўмиталари фаоллари эл-юрт равнақи йўлида тинимсиз меҳнат қилишмоқда. Шухрат Ботирхонов билан суҳбатимиз ўша даврда амалга оширилган ишларга бағишланди.

– Маҳалладошлар ишончини оқлашни бурчим, одамларнинг оғирини енгил қилишни фарзим, деб билдим, – дейди суҳбат асосида у. – Асосий эътибор қишлоқдаги ободончилик, тозалик ишларини йўлга қўйишга қаратилди. Албатта, ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари бўлади. Шунинг учун ҳам фурсат келгач, маҳалла кўмитаси раислигини бошқа кишига ўтказдим.

Жамоат ишларига аралашиб юрганимда турли тоифадаги шахслар билан мулоқот қилишимга тўғри келди. Улар орасида камтар, ҳалол, тўғрисуз, адолатли, ўз вазифасига сидқидил ва масъулият билан ёндошадиганлари кўп эди. Масалан, раҳбарлар орасида Фахриддин Қоратоевни алоҳида атаб ўтгим келади. Уни оддий, камтар инсон сифатида ҳурмат қиламан. У киши VI-VII қақирқларда Парламент Мажлиси депутати бўлди. Ўша даврда кўплаб мурожаатларимизга Фахриддин Абдунаби ўғли "лаббай", дея жавоб берди. Бунга бир неча мисоллар келтиришим мумкин...

Ёдимда, Фахриддин Қоратоев депутатлик фаолияти давомида Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги бир қанча муаммоларни ижобий ҳал этиш учун жонбозлик кўрсатган эди. Жумладан, Шимкент шаҳрининг темирийўлдан ўтадиган жойига кўприк қуриш лойиҳасини республика бюджетига киритиш-

ЭЛ ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ ЗАВҚИ

да унинг ҳиссаси бекиёс бўлган. Муаммонинг Сайрам аҳли учун жуда долзарб эканлигини ҳис қилиб, уни Парламентда кўтарди, тегишли вазирликларга мурожаат қилди. Натижада, бу масала ижобий ҳал этилди. Бугунги кунда кўприк қурилиши қизгин юритилляпти.

Яна бир мисол, сайрамликларнинг фаҳрига айланган, кўплаб зиёратчилар ташриф буюрадиган табаррук даргоҳ – "Сайрам" музейи вилоят маданият бошқармаси тасарруфида эди. Вилоят маркази Туркистон шаҳрига кўчирилгач, музей ҳам ўша жойга кўчириладиган бўлди. Бу масаладан депутатни воқиф этдик. Сайрамлик фахрий отахонлар Қувонч Абдурахмонов, Абдуфаттоҳ Абдазимов ва Фахриддин Қоратоевнинг сазъ-ҳаракатлари билан музей ўз ўрнида қолди...

Бошқа бир "соқолли" муаммо бу – Тассай мавзесига олиб борадиган Қирмозор маҳалласидаги кўчани таъмирлаш масаласи эди. Бу борада мутасаддиларга бир неча бор мурожаат қилдик. Ниҳоят, Фахриддин Абдунаби ўғли аралашгач, бу масалага нуқта қўйилди. Унинг ёрдами билан кўчани таъмирлашга маблағ ажратилди.

Яна бир муҳим иш – "Сайрамсув" ариғи устига қурилган қўшимча кўприкнинг. Асосий кўприкнинг доимо тирбандлиги бунга сабаб бўлди. Маҳалла фаолларининг жонкуярлиги билан қисқа вақтда қўшимча кўприк бунёд этилди. Ваҳоланки, бу ишлар осонликча ҳал бўлмаган, анчагина тер тўкишга тўғри келган. Шунинг учун ҳам Фахриддин Абдунаби ўғлига ўхшаган депутатларимиз кўп бўлсин, дейман...

Дарҳақиқат, мақоламази қаҳрамони Шухрат Ботирхонов 1960 йили Сайрам қишлоғида туғилган. Рафиқаси Гулмира ая билан оилада икки ўғил ва бир қизни тарбиялаб, вояга етказишган. Шукурки, олти нафар неварга ҳам вояга етмоқда.

3. МҸМИНЖОНОВ.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ. Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРҢОНБОВЕВ. Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.	Масъул шахслар: Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22 Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42 Сайрам – Зокиржон МҸМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90 Тулқибой – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71 Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97 Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82 Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти" масъулияти чекланган биро дарлиги. «Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт хабар дафтларининг тўғрилиши учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.» «Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.» Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VРУ00022503 гувоҳнома берилган. "ERNURprint" МЧБ босяонасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22. Қозоғистон Республикасида тарқатилади.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. +7778-618-39-05. <i>Электрон почта: janubiy@inbox.ru</i> Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11300 нуска. Бюджет 1425. Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.
---	--	---	---